Mas'uliyati Cheklangan Jamiyati shaklidagi "DAVR" auditorlik tashkiloti

ИЖОБИЙ ФИКР БИЛДИРИЛГАН АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«Учкургон Дон Махсулотлари» АЖ раиси И. Каххаровга

Буюртмачи манзили: Наманган вилояти Учкургон туман П. Турсун кучаси 1- уй.
Хисоб рақами: 20210000300209682001. МФО: 00246; АТБ "Агробанк" Учкургон филиали.
СТИР: 200062812. ИФУТ: 19211.
Аудиторлик ташкилоти: MCHJ shaklidagi "DAVR" auditorlik tashkiloti.
Аудиторлик ташкилотининг бош директори- Мухитдинов Хуснитдин Толипович
Х/Р: 20208000900208423001. ДАТ "АСАКА" Банки Наманган бўлими. МФО:00231.
СТИР: 200050179. ХХТУТ: 84400. Тел: (0-369) 227-05-84.

Мен томонимдан, ЎзР Адлия вазирлиги томонидан 1993 йил 05 ноябрда руйхатдан утган, ЎзР Молия вазирлиги томонидан 2010 йил 29 ноябрда берилган "ЎзРнинг барча хўжалик юритувчи субъектларида аудиторлик текшируви ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга ошириш хукукини берувчи" АФ №00005 сонли лицензияга эга булган MCHJ shaklidagi "DAVR" auditorlik tashkiloti аудитори Хошимхонов Мухторхон Воккосханович, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2016 йил 29 октябрда берилган №05438-сонли малака сертификатига ва «Учкургон Дон Махсулотлари» АЖ билан MCHJ shaklidagi "DAVR" auditorlik tashkiloti уртасида 2017 йил 10 январда тузилган 1/05 сонли шартномага мувофик хужалик юритувчи субъект «Учкургон Дон Махсулотлари» АЖнинг бухгалтерияси томонидан такдим этилган, жамиятнинг ташкилий хукукий асослари хакидаги хужжатлар, Айланма хисоботи (оборотка), асосий воситалар ва материал хисоботлар, дебитор-кредитор карзлар ва иш хаки хисоботлари, ишонч когози китоби, бошлангич бухгалтерия хужжатлари хамда молиявий хисоботлари (1-шакл "Корхона баланси", 2-шакл "Молиявий натижалар тугрисида хисоботлар) хамда солик хисоботларидан иборат 2016 йил 31 декабр холатига тузилган хисоботларнинг ишончлилигини Ташаббус тарздаги аудиторлик текширувидан утказдим.

Хужалик юритувчи субъект рахбариятининг жавобгарлиги

Хужалик юритувчи субъект рахбарияти бухгалтерия хисоби тугрисидаги конун хужжатларига мувофик молиявий хисоботнинг тайёрланиши ва хакконийлиги, хамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги утказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий хисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. Мен «Учкургон Дон Махсулотлари» АЖнинг илова килинган молиявий хисоботини аудиторлик текширувидан утказдим. Аудиторлик текшируви молиявий хисобот ва бошка молиявий ахборотлар барча мухимлилик жихатлари буйича бухгалтерия хисоби тугрисидаги конун хужжатларига мувофиклиги ва хакконийлигини бахолашдан иборат. Мен аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофик утказдим. Ушбу стандартлар молиявий хисобот жиддий бузиб курсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга булишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва утказишни таказо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йуналтирилган аудиторлик амалларини утказишни уз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулохазамизнинг предмети хисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий хисобот ишончлилиги тугрисида фикр билдириш учун етарлича асослаб беради деб хисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хужалик юритувчи субъект «Учкургон Дон Махсулотлари» АЖнинг 2016 йил 31 декабр холатидаги молиявий хисоботи барча мухимлилик жихатлари буйича унинг молиявий холатини ва молиявий-хужалик фаолияти натижаларини хакконий акс эттиради ва бухгалтерия хисоби тугрисидаги конун хужжатлари талабларига мувофик келади.

МЧЖ шаклидаги "DAVR"
Аудиторлик ташкилоти бош директори: Х. Мухитдинов
Аудитор: М. Хошимхонов

25 апрел 2017 йил